

ЁЗМА АДАБИЁТДАГИ ЮСУФ АЛАЙХИССАЛОМ ҚИССАСИ СЮЖЕТИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

Н.Д.Бобожонова - ўқитувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: ёзма адабиёт, фольклор, адабиётшунослик, қисса, сюжет, мотив, миф, афсона, ривоят, достон, мифологик тасаввур, мифопозитик контекст, образ, фабулат.

Ключевые слова: письменная литература, фольклор, повесть, сюжет, мотив, миф, легенда, предание, эпос, мифологическое воззрение, мифопоэтический контекст, образ, фабулат.

Key words: written literature, folklore, literary criticism, story, plot, motive, myth, myth, legend, epic, mythological imagination, mythopoetic context, image, fable.

Маълумки, ёзма адабиётда Юсуф алайҳиссалом қиссасининг сюжети асосида яратилган бадий асарларнинг юзага келиши ва такомиллашиб бориши узок тарихга эга. Жаҳон адабиётшунослигида Юсуф қиссасининг тарихий илдизлари ва бу образнинг шаклланишига асос бўлган қадимий манбалар ҳақида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Қайд қилиш керакки, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги қиссанинг келиб чиқишига асос бўлган бирламчи манбани аниқлаш масаласида адабиётшуносликда ҳамма томонидан эътироф этилган яхлит фикрга келинмаган. Ўрта аср татар мумтоз адабиётининг араб тилида битилган асарлардаги манбаларини ўрганган А.М.Ахуновнинг ёзишича, “Юсуф алайҳиссаломнинг қайси миллат ва динга мансублиги масаласидаги турли диний конфессияларнинг вакиллари ўртасидаги тортишувлар ҳамон тўхтаганича йўқ. Юсуф мусулмонми, яҳудийми ёки насронийми? Мунозарага сабаб бўлаётган асосий масала ана шунда. Шу ўринда мазкур сюжетнинг у ёки бу элементлари қай даражада турли маданиятлардан ўзлаштирилган ва умуман бу мавзу ўзлашма сюжетми ўзи, деган савол туғилади. Бу хусусда илмий адабиётларда турлича қарашлар илгари сурилган: насроний динининг агиографик манбалари тадқиқотчилари ислом дини бу сюжетни “Инжил”дан ўзлаштирган, деб ҳисоблайдилар; атеистлар “Қуръони карим”даги Юсуф алайҳиссалом қиссаси “Инжил”даги гулюзли Иосиф ҳақидаги ривоятнинг талқини, деб билдилар; ислом уламоларининг фикрича эса “Забур”, “Инжил” ва “Қуръони карим”ни Оллоҳ томонидан туширилган муқаддас китоблардир. Юсуф алайҳиссалом қиссасининг қиссасининг бу китоблардаги талқинларидаги муштараклик ва ўхшашликнинг сабаби ҳам ана шундай” [2:19-20].

Шундай бўлса-да, жаҳон адабиётшунослигида ушбу ғоят гўзал қисса сюжетининг келиб чиқишига асос бўлган бирламчи манбаларни аниқлашга доир муайян уринишлар бўлган. Жумладан, дунё халқлари адабиётининг қадимий даврини мифология билан боғлиқликда тадқиқ этган таниқли адабиётшунос олима О.М.Фрейдсберг ушбу сюжет моҳияти ҳақида “Гулюзли Иосиф ҳақидаги миф деганда мен шунчаки “Инжил” қаҳрамонининг тарихини эмас, балки ақл-фаросатли йигитни ўз тўрига илинтириб, шахвоний мақсадига эришолмаган бир аёлнинг тухмати туфайли бегуноҳнинг ўлимга маҳкум этилиши, аммо тақдир тақозоси билан йигит ҳақсиз жазодан қутулиши, тухматчи хотин эса қатл қилиниши ҳақидаги мифологик фабулатни тушунаман. Ушбу сюжет қадимги мисрликларни “Икки ака-ука ҳақида қисса” номли асотири, ҳиндларнинг бобокалонлари орасида машҳур бўлган “Етти донишманд” афсонаси, Кичик Осиёнинг туб аҳоли орасида бундан минг йиллар бурун қайд қилинган “Сурия илоҳаси” мифига қанчалар ўхшамасин биз унинг “Инжил”даги талқинини бирламчи дейишга ўрганиб

қолганмиз”, – деб ёзади [11:137]. Унинг тахминича, гулюзли Иосиф ҳақидаги “Инжил” қиссасининг келиб чиқиши Осирис ва Адонис ҳақидаги қадимий Миср мифларига бориб тақалади [11:138].

Таниқли туркман адабиётшунос М.Соёгов будда таълимотини тарғиб қилишга қаратилган қадимги уйғур адабиётига мансуб “Оч қоплон ҳақида афсона”нинг С.Е.Малов тарафидан рус тилига қилинган таржимасини таҳлил қилиш асосида Юсуф тўғрисидаги яҳудий-насоний-исломий сюжетнинг илк манбаини кўҳна ҳинд буддавийлик манбаларидан излаш лозим, деган қарашни илгари суради [10]. Назаримизда, мазкур афсонада икки оға-инининг кичиги, яъни ука ўзини оч қоплонга емиш бўлишга рози бўлиши ва бундан воқиф бўлган отасининг изтироблари Юсуфни бўри еди деган хабарни эшитган Ёқуб алайҳиссаломнинг қанчалар фиғон чекишига ўхшаб кетса-да, аслида уйғур афсонаси сайёр сюжет асосида юзага келганлиги кўриниб турибди.

Юсуф ҳақидаги қисса сюжетининг юзага келиши тарихи ва манбалари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борган тожик олими С.К.Азорбоевнинг тахминича, “Инжил”, “Қуръони карим”даги Юсуф қиссаси қаҳрамони образининг келиб чиқиши миллоддан бурунги XVII-XVI асрларда яшаган Миср донишманди Имхотеп (бу шахс отининг қадимий шакли Имутес) тўғрисидаги ривоятларга боғланади. Чунки қадимги Миср папируслари орқали етиб келган маълумотларга қараганда етти йиллик қурғокчилик Имхотеп даврида рўй берган. Бунинг устига миллоддан аввалги XVII-XVI асрларда ҳукмронлик қилган Миср фиръавнларининг этник келиб чиқиши семит тилларида сўзлашган қадимги яҳудий қавмларига мансуб бўлган. Олимнинг ёзишича, “Сахел оролидан топилган папирусдаги ёзувга кўра эса фиръавн Жосерга бўлажак етти йиллик қурғокчилик ҳақидаги хабар тушида аён бўлади, тушида халқ очликдан қанчалик азоб чекаётганини кўрган фиръавн буюк табиб ва улуғ донишманд Имхотепдан маслаҳат сўрайди. У ҳар бир шаҳарга етарлича ғалла жамлашни маслаҳат беради. Шундай қилиб, Имхотеп ҳақидаги оғзаки хикоялар даврлар ўтиши билан ривожланиб, ривоятга айланган, улуғ донишманд исми эса ривоятларда Футифар, Потифор, Ибн Риян ва бошқа номлар билан атала бошлаган. Юсуф образи билан боғлиқ қиссанинг тарихий асослари қадимги Мисрда яшаган семит тилли қавмлар ҳаётида рўй берган реал ҳаётий воқеаларга бориб тақалади. Яҳудийларнинг муқаддам китобида эса бу қисса диний руҳда талқин қилинган” [1:76-84].

“Қисаси Рабғузий”нинг “Қиссайи Юсуф алайҳиссалом” фаслини тадқиқ этган Ҳ.О.Сафаровнинг фикрича, “Юсуф ва Зулайхо ишқий саргузашти ғоят қадимийдир ва дастлаб араб ва яҳудийларнинг оғзаки ижодиётида пайдо бўлган. Сўнгра муқаддас диний китобларга, жумладан, аввал қадимги Аҳд ҳисоблагувчи Таврот ва Забурга, кейин Янги Аҳд

саналувчи Инжилга ўтган ва беҳал силлиқ шаклида баён қилинган. Нихоят Қуръони каримда алоҳида сура шаклида бир қадар муфассал ифодасини топанган [8:17].

Маълумки, Юсуф пайғамбар қиссасининг диний манбалардаги ифодаси ва ёзма адабиётдаги ижодий талқинларида акаларининг ғарайғўйлиги ва кўрол-маслиги натижасида қудуққа ташланиб, отасининг дийдоридан мосуво бўлган ўғилнинг ғаройиб саргузаштларини тасвирлаш орқали Юсуфнинг сабр-матонати, садоқати ва ҳалол-покизалиги улуғланади. Бинобарин, қисса композицион қурилишидаги тугуннинг бевосита ака-укалар муносабати билан алоқадорлиги эса ушбу сюжетнинг келиб чиқиш манбаини қадимги Миср фольклорига боғлаш имконини беради.

XIX асрнинг ўрталарида француз археологи д'Орбини томонидан милoddан бурунги XIII асрда Эннана исмли битикчи тарафидан ўн иккита папирусга ёзилган иероглифли ёзув топишган. Мутахассислар бу папирус милoddан аввалги 1200 йилдан 1194 йилгача ҳукмронлик қилган Сети II, яъни Мисрнинг янги ҳукмдорлари XIX сулоласига мансуб ҳокон даврида ёзилганлигини аниқлашган. Унда олимлар тарафидан шартли равишда “Икки ака-ука ҳақида қисса” деб номланган миф баён этилган бўлиб, қадимги мисрликларнинг архаик фольклорига мансуб ушбу асотир Гомернинг машҳур “Одиссея” сидан анча аввал яратилганлиги билан аҳамиятлидир. Унда айтилишича, “бир замонлар яшаб ўтган чол билан кампирнинг икки ўғли бор бўлиб, уларнинг қаттасига Анупис, кичигига эса Бата деб исм қўйилган экан. Анупис уйланган бўлиб, ер-сув, мол-мулки мўл экан, Бата эса худди унинг ўғлидай уйдаги юмушларни бажараркан. Бата акаси Анупис нима иш буюрса бажарар, молларини боқар, ер ҳайдаб деҳқончилик қилар, ҳосил пишганда ўриб-йиғиб олар экан. Анупис ҳам унга худди отасидай меҳрибонлик қиларкан. Бир куни Анупис ерни ҳайдаб дон экиш учун Батага ҳўкизларни тайёрлашни буюрибди. Ер ҳайдаб, ғалла экишдаётганда бир пайт олиб келинган уруғлик буғдой етмай қолибди, шуна Анупис Батага дон олиб келиш учун уйига юборибди. Бата бир кўтарганда беш қоп буғдойни даст қўтарганини кўрган Ануписнинг хотини йигитнинг кучига қойил қолиб хаёли бузилибди. Дарвоза олдида уни тўхта-тиб, бирга бўлишни таклиф қилибди. Агар Бата бу таклифга қўнса унга яхши қўйлак тикиб беришни ваъда қилибди. Бундан қаттиқ ранжиган Бата жуда ғазабланиб, янгасининг таклифини қатъиян рад этибди ва бўлган гапни акасига айтмасликка сўз бериб далага қайтибди. Аммо Ануписнинг хотини бу гапга ишонмай, уёқ-буёғига буёқ суртиб, баданини тимдалангандай қилиб кўрсатибди-да, эри келгач Бата уни зўрламоқчи бўлиб қалтаклаганини айтиб тўхмат қилибди. Жаҳли чиққан Анупис укасини ўлдирмоқчи бўлибди, аммо бегуноҳ Бата ҳалос қилишни сўраб Ра тангрига илтижо қилибди. Ра уни ўз химоясига олиб, ака-уканинг ўртасида тимсоҳлар сузиб юрган жўшқин дарё пайдо қилибди. Акасидан қутулган Бата дарахтзор водийни ўзига макон қилибди, ҳудодлар уни ҳусн бобида дунёдаги ҳамма аёллардан ҳам зиёда бўлган бир қизга уйлантиришибди. Бата акаси шу ерга ҳам излаб келиши мумкинлигидан хавфсираб ўзининг юрагини “аш” деган дарахт ичига яшириб қўйибди.

Қунарлардан бир куни Батанинг хотини дарё соҳилида сайр қилиб юрганида унинг бир тола тилла сочи дарахт шохига илиниб сувга тушибди ва оқиб

бориб фиръавннинг қўлига тушибди. Фиръавн ана шу тилла соч эгаси бўлган қизни излаб топибди, қандай қилиб бўлса-да унинг қўнглини овлаб уйланиш учун қизга турли совға-саломлар берибди. Бундан эриб кетган аёл фиръавнга чўри бўлишни истаб қолибди ва эри Батанинг юраги яширинган дарахт кўрсатибди. Фиръавннинг одамлари қиз кўрсатган дарахтни чопишганда Бата ўлиб қолибди. Аммо ҳудодлар уни яна чақалоқ кўринишида қайта тирилтирибдилар. Фиръавн уни ўз ўғлидай кўриб парваришлабди, орадан маълум вақт ўтгач ўз эрига хиёнат қилиб, унинг ўлимига сабабкор бўлган аёл жазосини олибди [9:77-78].

Мазкур миф сюжетининг Ануписнинг хотини Батага ошиқ бўлиб қолиши ва севгиси рад этилгач, йигитга тўхмат қилиши, Ануписнинг ўз укасини ўлдирмоқчи бўлиши, худо Ра томонидан ака-ука ўртасида дарё пайдо қилиши, Батанинг акасидан олисдаги диёрга кетиб қўйиб қўйиб, фиръавннинг душманлиги каби мотивлари Юсуф қиссаси композицион қурилишидаги Яқуб пайғамбар ўғилларининг Юсуфни ўлдирмоқчи бўлишлари, Юсуфнинг қудуққа (сув детали орқали дарё тушунчасига алоқадор) ташланиши, Юсуфнинг Мисрда қул қилиб сотилиши (акаларидан узоклашиши), Зулайхонинг ўз қули (қадимги Миср асотирларида эрининг укаси, аслида хизматкор-қул) Юсуфга ошиқ бўлиши, аёлнинг Юсуфга тўхмат қилиши каби мотивларга ўхшаб келади. Бу эса диний манбалар орқали ёзма адабиётга трансформацияланиб кетиши натижасида бетакрор бадиий қадриятларнинг яратилишига асос бўлган Юсуф қиссаси сюжетининг тарихий илдизлари милoddан бурунги XIII-XII асрларга мансуб қадимги Миср мифологиясига бориб тақалишини кўрсатади.

Анупис билан Батанинг саргузаштига бағишланган қадимги Миср асотирининг сюжети кейинчалик маданий алоқалар натижасида аввал Олд ва Яқин Осиёга, кейинроқ эса Марказий Осиё ва Европанинг бошқа ҳудудларига ҳам кенг тарқалган. Г.Н.Потанин томонидан нашр этилган бир қозоқ эртагида ҳикоя қилинишича, Тўхтамишнинг хотини тўхмат қилганлиги сабабли ёш йигит Идига қочиб кетишга мажбул бўлади. Тўхтамишнинг амрига кўра вазир Жанбай Идиганинг изига тушиб қувади. Адиль деган дарёнинг бўйига келганида Жанбай Идигани қувиб етади. Ана шунда Идига ғаройиб тарзда дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олади, Жанбай эса ўтолмайди (эртакнинг шу мотивига изоҳ берган Г.Н.Потанин “бу дарёдан Идига ўтиши, Жанбай эса нариги соҳилда қолиб кетиши, яъни Жанбай учун “ўтолмайдиган” эканлиги эртанинг архаик вариантларида бу дарё Идига ўтгач, ортидан пайдо бўлганлиги тасвирланган бўлса керак” деб тахмин қилган. Бу эса “Икки ака-ука ҳақида қисса” асотирларида Бата ўтган дарёдан акаси ўтолмай қолиши мотивини эслатади). Миср асотирларида бўлгани сингари, қозоқ эртагида ҳам Идига дарё бўйида бахтли ҳаёт кечиради, Батани ҳудодлар уйлантирган бўлишса, Идиганинг ўртоқлари Саттемирнинг қизини олиб келиб беришади [4:33].

Қўринадики, “Идига” номли қозоқ халқ эртагининг шаклланишига “сайёр сюжет” асос бўлган.

Тожик адабиётшуноси С.К.Азорбоев яратилиш асосларига кўра милoddан бурунги XVII-XVI асрларга мансуб деб қараладиган “Тўғри ва Эгри ҳақида эртак” номли қадимги Миср эртаги ҳам мазмунан гулгузли Иосиф тўғрисидаги диний қиссага жуда ўхшашлигини аниқлаган. Унинг фикрича, қадимги Мисрда рўй берган реал тарихий воқеаларнинг ми-

фопоэтик талқини натижасида юзага келган бу эртақ Юсуф мавзусидаги сюжетнинг шаклланишида муайян роль ўйнаган бўлиши мумкин. Яна бир қизиқ маълумот, С.К.Азорбоевнинг келтиришича, “Юсуф (Иосиф) ҳақидаги афсона милоддан бурунги VI асрдаёқ бевосита жонли оғзаки анъана орқали тилдан-тилга ўтиб, форсий тилоли аҳоли фольклорига ҳам кириб келган. Чунки айни ўша асрда яратилган “Зирья ва Авда” номли форс халқ лирик достони ўзининг мавзуси ва мазмунига кўра “Юсуф ва Зулайхо” достонига яқин келиши шундай тахмин қилишга асос беради” [1:6-7].

Ана шу қиёсий материалларнинг барчаси гулюзли Иосиф ҳақидаги қиссанинг яратилишига бирламчи манба бўлган мифопоэтик контекст қадимги Мисрда яратилиб, адабий-маданий алоқалар тизимида минтақа халқлари орасида кенг тарқалиб, кейинчалик кўпгина муштарак мотивли фольклор асарларининг яратилишига асос бўлган “сайёр сюжет” эканлигини кўрсатади.

“Икки ака-ука ҳақида қисса” сюжетининг композицион қурилиши жиҳатидан таҳлил қилинса, унда жаҳон, шу жумладан, ўзбек фольклорига ҳам кўп учрайдиган мифологик характердаги мотивлар мавжудлигини кўрамиз. Масалан, ўзининг шахвоний орзусига етолмаган Анобиснинг хотини Батага тўхмат қилиши “Инжил”даги Иосифга Пантефриянинг хотини тўхмат қилишига ҳамохангдир. Бу мотив “Эрали билан Шерали”, “Ширин билан Шакар” номли ўзбек халқ романик достонларида ҳам учрайди. Анобиснинг ўз укаси Батани ўлдириш ниятида қувлаши эпик қаҳрамоннинг таъқиб қилиниши мотивининг қадимий типларидан бири бўлиши мумкин. Акаси қачонлардир уни топиб келишидан кўрққан Бата ўз юрагини дарахт танаси ичига яшириб қўйиши жоннинг танадан ташқарида мавжуд бўлиши тўғрисидаги анимистик мифлар таъсирида келиб чиққан. Бу инонч-эътиқоднинг ўзбек халқ ижодидаги энг ёрқин мисоли девлар жонининг қути ичидаги каптар, тош орасидаги қуртда бўлиши, “Қиличқора” эртагида кенжа уканинг жони қиличида бўлиши каби мотивлар ҳисобланади. Олтин сочли парининг бир тола сочи дарёда оқиб кетиши натижасида қаҳрамоннинг бошига мушкул иш тушиши лавҳаси ўзбек халқ эртакларига ҳам хос бўлган сюжет элементларидан биридир. Батанинг худолар ёрдамида чакалоқ кўринишида қайта дунёга келиши ўлиб-қайта тирилувчи маъбудлар тўғрисидаги қадимги мифларга боғлиқ мотивдир. Шу нуқтаи назардан, О.М.Фрейденбергнинг Иосиф образининг генезисини қадимги Миср мифологиясидаги Осирис билан боғлаши [11:138] ўзини оқлайди.

Шу ўринда таниқли адабиётшунос олим Х.Г.Короглининг “ушбу сюжетдаги Юсуф “биографияси” “Авесто”даги Сиёвуш образи билан боғланиб кетади”, [6:336] деган илмий фаразига муносабат билдириб ўтсак. Юқоридаги таҳлиллардан ҳам маълум бўладики, Юсуф образининг келиб чиқиши билан “Авесто”даги Сиёвуш образи орасида бевосита боғлиқлик йўқ. Бу икки образни ўзаро боғлайдиган бир жиҳат бор бўлиб, у ҳам бўлса Юсуф (Иосиф) образининг генетик асослари қадимги Миср мифологиясидаги ўлиб-тирилувчи табиат культининг тимсоли, деб тасаввур қилинган [5:33-44].

Батанинг юраги (яъни жони) “аш” деб аталадиган

дарахт танасининг ичида яшириб қўйилгани каби қадимги Миср мифларида Осириснинг қабри устида уни кўриқлаб турувчи муқаддас дарахт ўсиб туради, деб баён қилинган [4. – С.33]. Ҳар икки персонаж ҳам дарахт ҳамда ўлиб-тирилувчи табиат култи билан боғлиқлиги уларнинг ўзаро боғлиқлигини, яъни “Икки ака-ука ҳақидаги қисса”даги Бата образи ўлиб қайта тирилувчи табиат культининг тимсоли сифатида тасаввур қилинган Осириснинг мифопоэтик трансформацияси эканлигини кўрсатади. Қадимги мифларда Осирис бошқоқли экинлар, дов-дарахтлар ва ўсимликлар руҳи сифатида тасаввур қилинганлигини инглиз этнографи Ж.Фрэзер ҳам қайд қилган [12:169–197]. Ана шу тарихий-ворисий алоқадорликка кўра гулюзли Иосиф (Юсуф) образининг генетик асослари қадимги Миср фольклорига сақланиб қолган Бата сюжети орқали Осирис тўғрисидаги мифларга бориб тақалади.

Демак, “Юсуф ва Зулайхо” сюжетининг энг қадимги шакли деб қаралаётган “Икки ака-ука ҳақида қисса” асотирининг мазмуни “сайёр сюжет”га айланиб, турли вариантлар ҳолида бирмунча ривожланган ҳолда муқаддас диний китобларга кўчган. Жумладан, аввало қадимги Аҳд ҳисобланувчи Таврот ва Забурга, кейин Янги Аҳд саналувчи Инжилга ўтган. Кейинчаалик сюжет янада мукаммаллашган ҳолда муқаддас диний китобимиз “Қуръони карим”га ўтган. Биз дoston сюжетининг тарихий асосларини ёритишда ушбу мавзу ўз ифодасини топган қадимий манбаларни таҳлилга тортишга ҳаракат қиламиз. Зеро, “Юсуф алайҳиссалом ҳақида яратилган бадий асарлар таркибидаги сюжет жаҳон адабиётидаги трансдиний мифларнинг энг ноёб намуналаридан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур сюжетнинг жаҳон адабиёти контекстидаги у ёки бу асар кўринишидаги ифодасини муайян диний тизим доирасида эмас, балки қадимги маданий архетипнинг бадий интерпретацияси сифатида талқин қилиш лозим” [13:15].

Милоддан бурунги XIII-XII асрларда шаклланиб, ёзувга олинган ака-ука ҳақидаги асотир аслида бир неча вақт халқ орасида бевосита жонли оғзаки ижро орқали оммалашиб келган. Кейинчалик Сети II сулоласи даври воқеа-ҳодисаларини папирусга муҳрлаётган пайтда котиб Эннана ўзи эшитган ушбу миф мазмунини ҳам ҳикоя қилиб кетган кўринади. Ана шу асотирнинг халқ орасидаги оғзаки намуналари таъсирида Иосиф (Юсуф) ҳақидаги эпик сюжетнинг илк намуналари дастлаб диний ривоят тарзига “Қадимги Аҳд” ва “Янги Аҳд”дан ўрин олган. “Қадимга Аҳд” номи билан машҳур бўлган муқаддас битиклар “Таврот” ва “Забур”, “Янги аҳд” эса “Инжил” деб номланган. Яҳудийлар динининг “Таврот” ҳамда “Забур” қадимги иброний тилида яратилган бўлса, насронийликнинг муқаддас китоби сифатида эътироф этиладиган “Инжил” қадимги юнон тилида ёзилган. Ана шу манбаларда илк бор гулюзли Иосиф ҳақидаги қиссанинг диний афсона шаклидаги талқини ўз аксини топган.

Ана шу ривоят кейинчалик бир мунча мукаммаллашган ҳолда ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони карим”га ўтган. Юсуф қиссаси “Қуръон”нинг 12-сураси, яъни “Юсуф” сурасида келтирилган [14:235-248]. Мазкур сура “Алиф. Лом. Ра. Ушбу (оятлар) очик-равшан Китоб оятларидир” ояти билан бошланган бўлиб, унинг нозил бўлиши ҳақида М.Б.Пиотровский қуйидагиларни ёзади:

“Ҳадислардан бирида айтилишича, бир куни саҳобалар Муҳаммад алайҳиссаломга қизиқарли бирорта қисса айтиб беришни сўраганларида “Юсуф” сурасининг учинчи ояти: “(Эй Муҳаммад), Биз сенга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Ҳолбуки, у (Қуръон нозил бўлиши)дан илгари, сиз (бу қиссадан) беҳабар кишилардан (бири) эдингиз” деган оят нозил бўлган. Шундан кейин қиссаларнинг энг гўзали – Юсуф алайҳиссалом қиссаси ҳикоя қилинади” [7:90].

Юсуф қиссаси сюжетининг араб, форс-тожик ва туркий халқлар фольклори ҳамда ёзма адабиётида кенг тарқалишида асосан “Қуръони карим”нинг 12-сурасидаги оятлар, унинг тафсирлари ҳамда пайғамбарлар қиссаларининг турли-туман талқинлари, жумладан, Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қиссасул анбиё” асари асосий манба вазифасини ўтаган. Юсуф ва Зулайхо тўғрисидаги ишқий-романик достонларнинг юзага келишида Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Талиб ат-Табарийнинг (839-923 йиллар) “Таърих ар-русул ва-л-мулук”, яъни “Пайғамбарлар ва подшолар” тарихи асари (бу асар сомониёлар даврида араб тилидан форс-тожик тилига таржима қилинган)даги Юсуф қиссаси талқинига бағишланган фасллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Хусусан, ўрта асрлар туркий ёзма адабиётнинг йирик

намоёндаси Қул Алининг “Қиссаи Юсуф” достонининг яратилишига Табарий “Таърих”и асос бўлганлиги маълум.

Бизнингча, Юсуф мавзусининг ўзбек халқи орасида кенг ёйилишига сабаб бўлган энг муҳим манбалардан бири атокли тилшунос олим А.К.Боровков томонидан XII–XIII асрларга мансублиги аниқланган ва фанда “Ўрта Осиё тафсири” [3] номини олган асардир. Қаршидан топилган бу тафсирнинг муаллифи ноаниқ бўлса-да, лекин унинг лексикасида ўша давр тилига хос луғавий қатлам яққол кўзга ташланиши ушбу асарнинг мамлакатимизда яратилганлигидан далолат беради. “Қуръони карим”нинг барча суралари, жумладан, “Юсуф” сураси ҳам ўзига хос тарзда шарҳланган ушбу тафсир бир неча асрлар давомида мадрасаю мактабларда, шунингдек, халқнинг ўқимишли катлами орасида кенг шухрат қозонган. Бу эса Юсуф алайҳиссалом тўғрисидаги гўзал қисса сюжети халқ орасида кенг тарқалиши ва унинг оғзаки жонли ижро орқали ривоят, эртак ва қисса тарзида омалашishi мазкур сюжетнинг бадий жихатдан такомиллашишига асос бўлган.

Генетик асосларига кўра, Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги анъанавий қисса сюжетининг келиб чиқиши ва тарихий-тадрижий ривожини “мифологик фабулат”→“диний ривоят”→“бадий контекст” босқичларини ўз ичига олади.

Адабиётлар

1. Азорабеков С.К. Сказание о Юсуфе и его отражение в персидско-таджикской прозе X-XI веков: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Душанбе, 2005.
2. Ахунов А.М. Арабский источник средневековой тюрко-татарской литературы: на материале трудов ат-Табари. –Казань: Изд-во ТГГИ, 2001.
3. Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. –М.: Наука, 1963.
4. Викентьев В.М. Древне-египетская повесть о двух братьях. – М., 1917.
5. Дьяконов М.М. Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии // Краткие сообщения института истории материальной культуры. Т.40. – М., 1951. – С.33-44.
6. Короглы Х.Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербейджана. – М.: Наука, 1983.
7. Пиотровский М.Б. Коранические сказания. – М., “Наука”, 1991.
8. Сафарова Ҳ. Рабғузийнинг “Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳис-салом” асари манбалари: Филол. фанлари номз. дисс. – Самарқанд, 2001.
9. Сказка о двух братьях // Бадж Э.У. Египетские сказки, повести и легенды. – М., 2009. – С.77-78.
10. Соегов М. Иудейско-христианско-исламский сюжет об Иосифе и буддийская легенда о принце и голодной тигрице (по материалам их переводов, языка и искусства) // Jazyk a kultúra. – Прага, 2013. – číslo 15 (www.ff.unipo.sk/jak/15_2013/soegov.pdf).
11. Фрейденберг О.М. Миф об Иосифе Прекрасном // Язык и литература. – Т.8. – М., 1932.
12. Фрээр Ж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1989.
13. Шарьяфетдинов Р.Х. Трансформация коранического сюжета об Иосифе Прекрасном в поэме Кул Гали “Қысса-и Йусуф”: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2009.
14. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жаҳон халқлари ёзма адабиётидаги Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги қисса сюжетининг тарихий асослари билан боғлиқ адабий-фольклорий манбалар таҳлил қилинган. Қиёсий-тарихий метод асосида ушбу анъанавий сюжетнинг генезиси қадимги Миср мифологиясига бориб тақалиши асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются фольклорно-литературные источники, связанные с с генезисом традиционного сюжета об Иосифе Прекрасного в письменной литературе народов мира. На основе сравнительно-исторического метода доазана, что исторические основы этого сюжета связаны с древнеегипетской мифологией.

SUMMARY

The article describes the historical foundations of the plot of the history of Joseph in the written literature of the peoples of the world. Based on a comparative historical method, the genesis of this traditional plot is based on ancient Egyptian mythology.